
Ёшлар ойлиги доирасида маданий-маърифий тадбир ўтказилди

Фурқат туманида ёшлар ойлиги доирасида “Ўзбекистон – ёшлар мамлакати” шиори остида маданий-маърифий тадбир ва концерт дастури ўтказилди.

Жорий йилнинг 3 июнь кунидан мамлакатимизда ёшлар ойлиги бошланди. Мазкур ойлик доирасида қатор лойиҳалар, интеллектуал танловлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ҳамда гала концертлар ўтказилиши режалаштирилган.

Фурқат туманида ҳам ёшлар ойлиги доирасида концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, ижодий учрашувлар, спорт мусобақалари кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.

Бугунги концерт дастури давомида таниқли сўз устаси Валижон Шамсиев, “Лайли ва Мажнун” гуруҳи ўзларининг чиқишлари билан барчага байрамона кайфият улашди.

2023-06-12 08:23:23